



Ташкилий равишда ўз олдига очик бир мақсадни қўйиб бир ерга суянган ҳолда кўтарилмаган кўзғолончиларда албатта шундай кўнгилсиз ишларнинг бўлиши табиийдир.

Шунинг учун Кўна Турфон аъламохуни Момут охун, Халим хожилар бошлик бир неча обрўйлик одамлар мусулмонлар томонидан элчи бўлишиб, Шаркий Туркистонга чекдош Гансу ўлкасининг ҳокими, хитой мусулмонларининг энг улуг раисларидан Хужу Солор волийси Мобуфонг жанобларидан ёрдам сўрашиб борадилар. Шундоқки, сизлар билан бизлар ҳаммамиз бир мусулмондурмиз, кофирлар қилган жабр-зулмларига сизлардан ёрдам сўраб келдик. Куръон ҳукмича бутун мусулмонлар дин қардош, бир тан-бир жон бўлганликдан ҳар тўғрида, айниқса, босқинчи кофирлар зулмидан қутқариш учун бир-бирларига ёрдам етказишлик шариатда фарз бўлмишдир. Агар бизга ёрдам бериб шу босқинчилардан қутулар эканмиз, албатта, келгусида сизга байъат (Ишониб бўйсуниб ваъдаси (арабча).) берамиз деб ваъда бердилар. Булар сўзини англагач, ўзаро кенгаш ўтказган сўнгида ўз иниси ёки ақасининг ўгли йигирма беш-ўттиз ёшдан ўтмаган йигит Гў (Го) силинг (Генерал, юқори мартабали кўмондон, офицер (хитойча).) отлик жияни кўмондасида тўрт-беш минг аскар чиқаришга тўхтам қилди. Бу қаҳрамон кўмондон оз бўлса ҳам Япония ҳарбий мактабида тарбият топганликдан бутун аскарини энг сўнги япон ҳарбий тизимида тайёрламыш эди. Унинг устига бу аскар кўшини эса хитой мусулмонлари ичида диндорлик ва қаҳрамонликда атоғи чиққан хужу, солор дунганларининг фидойи йигитларидан қурилмиш эди ва ҳам ўзларининг бу сафарларини диний жиход, деб ишонганликлари учун диний олимлар, бутун мусулмонлар томонидан

бу кахрамон аскарларга “Худо йўлида жонфидолар” номи берилмиш эди. Шунга белги бўлсин, деб катта килиб ўчмас сиёҳ билан хар бир аскарнинг кўкраги устига арабча “Фи сабилиллох” (“Худо йўлида”) деган сўз ёзилмиш эди. Бу кахрамонлар рухоний, диний томонларидан кандай чингитилиб, тўликланган бўлсалар, жисмоний томонлари ҳам шу каби тарбият топиб чингитилмиш эди. Манжурия майдони бўйлаб японларга карши кўйилган Чанкайши аскарлари кўп жойларда японлардан маглубиятга учраб чекинмиш эдилар. Лекин Ислом номусини саклаган ёлғиз шу кахрамон бир неча ўринларда карши душманлари японларга каттик зарба бериб, шонлик галаба қозонмиш эди. Мана шундоқ кўтарилган рух билан турган бу кахрамонга Мобуфонг жанобларидан фармон бўлгач, зулм кўрган Шаркий Туркистондаги дин қардошлари ёрдамига чиқмишдур.

Элчилар бошлиги Турфон аълам охуним, Халим хожимлар қоловузлиги билан саккиз кунлик узун узок Шиншишо қисигидан ўтиб биринчи кўнолгулик кенг майдондан қесиб ўтар чоғда бу ишдан хабар топиб қаршида кутиб турган Шинг дубан аскарларининг қораси кўрина бошламишдур. Ўзларини Оллох аскарлари ҳисоблаган бу жонфидо кахрамонлар олдида Шинг дубан аскарлари ҳеч қандай қаршилиқ қилмасдан биринчи тўқинишдаёқ орқага чекиниб, бош оломон қоча бошладилар.

Шу каби каттик зарба ёб маглубиятга учраб қочган хитой аскарлари Қумулдан ўтиб Гучунга қелгунча бирор жойда қарши туролмадилар. Қочган душманни ўз йўлида қувиб Қумулга қириш ва ҳам Хўжаниёз билан қўришиб, у билан иттифок тузиш энг зарур бўлганликдан Қумулга қирмиш эди. Ўшатишимизча, иккови қўришиб асл мақсад айтилган сўнгида бирлик-иттифоклиқ тузишганлар. Ваъда бузилмаслиги учун қасам ичишиб Қуръон кўтармиш эканлар. Лекин Гў қилинган бу қадар интизомлик аскарлари қамонавий қуроллар билан тайёрланиб тўсатдан чиқиб қилиши Қремлни анча ташвишга туширмиш эди. Айниқса, бу икки қўмондоннинг иттифоклари бутун мусулмонларнинг Ислом йўлида қўзғолишларидан буларга айримча қўрқинч тугилмиш эди. Шунга қўра бу алдамчи маққорлар бутун қучларини сафарбарликка қелтириб, бунга қарши қора қўришга қиришдилар. Буларнинг энг биринчи қилар ишлари эса мусулмонларни қайси йўл билан бўлса ҳам бирлик-иттифоклигини бузиб, бу икки қора ботирни бир-бирига қарама-қарши қўйиш эди. Хар икки томоннинг қора қондонлигидан қойдаланиб, кўп қийинчилик қўрмасданок бу мақсадларига тездан эриша олдилар.

Шундоқки, Ислом руҳида қўшилган бирлик-иттифок-лик орқалиқ икки қўмондон қўл остидаги мусулмон аскарлари Қумулдан қилиб, Қрумқидан уч-тўрт кунлик шарқ томонда бўлган сақиллик Гучунг шақрини қелиб қамал қилдилар. Қалъа бузар қуроллари, тўплари бўлмаса ҳам сақил устига етгудек қилиб бир-икки юз қамали шоти-нарвон тайёрламиш эдилар. Оз бўлса ҳам Ислом руҳида тарбият топан, шақидлик ишқиди ўлимни ўйламаган жонфидо мусулмон аскарлари, иш қўрган кахрамон Гў қилинган қўмондасидаги дунган аскарлари бошлиқ қўпчилиқ оломонлар “Оллоху ақбар” қадосини қўққа қўтариб душман қалъасига ёпишқали турдилар. Қалъа устидаги душман аскарлари тарақидан отилган тўп-тўфанларга, улар томонидан қўрсатилган хар турлик қаршилиқларга қарамай тўрт-беш соатлик каттик жанг сўнгида Гучунг шақрини олдилар. Ўз вақтига қўра қўзғолончи мусулмонларнинг бу каби улуг галаба қозонишлари ўлка бўйлаб яшаган ерлик халқнинг руҳини анча қўтарди. Бунинг устига бу икки қўмондон Гў қилинган, Хўжаниёз кахрамонлиги эл оғзида қостон бўлиб, душман қўзини анчагина қўрқитмиш эди. Хақикатда эса бу урушда иш қўрсатиб энг кахрамонлик қилганлар қизомий аскарлар бошлиги Гў қилинган ва ҳам унинг иниси Шу қилинган бўлиб, булар фармонидаги фидойи дунган аскарлари эди. Илқаридан бери бу ерда қасқаниб

келган эски курол-ярог, уруш ускуналари ва ҳам жонгжунг ҳукумати кисилиб колган вақтда Советдан олган янги куроллардан эскилик-янгилик бўлиб йигирма беш мингдан ортиқроқ курол-яроқўлжа олинмиш эди. Замонавий урушларда эса кўпинча хужумчи аскарлардан ортиқроқ чиқиб бўлиши табиийдир. Шунга кўра ёғдириб турган ўққа карамасдан Шу силлинг кўмондасида сафил устига хужум бошлаган дунган фидойиларидан кўмондонлари бошлик кўпгина аскар курбон бўлмиш эди. Хеч нарсага тушунмаган, жаҳолат балчигига бутунлай ботган Кумул, Турфон кўзголончилари бошлиги Хўжаниёз, Момут жужонглар ўзлари қарши урушаётган жонгжунг байроғи остида ва унинг орқасида қимлар мўралаб ётганини қайдин билсинлар? Макқорлар тарафидан атайин ташкил этилган фитначи-игвочиларнинг сўзларига тезданалданиб, Гучунг урушидан олинган ўлжа мол, курол-жабдукларни ўртада баробар бўлмади. Эскиларини қолдириб, янгиларни ўзлари олишди, деган фитна сўзлар баҳона бўлиб, уйғур ва дунган мусулмонларининг иттифоклари бузила бошлади. Ҳақиқатда эса болани отадан ажратгудек бузгунчи сеҳрчилар илхоми билан Хўжаниёз, Момут силлинг -буларнинг мияларига мансабпарастлик ўрнатилмиш эди.

Бирлик-иттифоклик устида ичган қасамлари, кўтарган Қуръонлари қайқларда қолди, унга қараб ҳурматини сақламадилар.

Англашимизча, Гў силлинг (Мо жуйин) ўртага қиши қўйиб, “Улар қелсинлар, қўришиб сўзлашайли. Орамиз бузилгудек бизлардин бирор иш ўтгани йўқдир. Атрофимизни қоғир душманларимиз бутунлай ўраб турган шундай оғир қунларда, биз, мусулмонлар ўзаро бирлик-иттифоқимизни йўқотсак Қуръон ҳукмини бузиб, ди-нимизга хиёнат қилиб ўз қўлимиз билан ўзимизни ҳалокат чуқурига ташлаган бўламиз”, демишдир. Шу ўхшаш сўзлар билан ораларида қасам ичишиб, Қуръон кўтариб қилишган аҳд-паймонларининг бузилишини эскартиб, буларнинг ортидан қандай ёмон қўнгилсиз ишларнинг қелиб қиқишини қўрсатиб қақирса ҳам улар қабул қилмаганлар. Сўз шу ерга етганда ўтмишдаги ҳақиқий Ислоҳ уламоқларимиз ўрталарида мунозара майдони бўлган “ҳақиқий имон”, “тақлидий (юзаки) имон” масъаласи қўнғилимга қелмиш эди. Тақлидий имон Тангри олдида мақбулми ё мақбул эмасми, деган сўз устида тўхталишиб, бу ҳақда кўп баҳс-мунозара қилмиш эдилар. Узун текшарувлардан сўнг тақлидий имон зохир шарият олдида дунёлик ҳукмлар учун қабул қилинса ҳам ҳақиқий имон бўлмаганликдан Оллоҳ қошида мақбул эмас, дедилар. Ҳақиқий имонлик одам Худо ва Расулни ўртага қўйиб онт ичиб, Қуръон кўтариб ваъда берган бўлса, бундоғ улуг аҳдни бошига ўлим қиличи қелса бузмайдир. Агар бузар экан, ундок одамнинг имони юзаки, ҳали қўнғилига қирмаган, тил учида бўлиб, мунофиқлик аломатидир. Агар ҳақлик қиши қўнғилига қиргани рост бўлар экан, ботиллик белгилари ул одамдан албатта йўқолгусидур. Чунки имон нури ёритган қўнғил ичида қуфр қоронгусининг туриши, қундуз ёруғи билан қеча қоронгулигининг бирга бўлиши қаби имқониятдан ташқари ишдир.

Шу бўлган қуфр, нифок ва жаҳолатлик қасофатидан душманларига алданиб, арзимаган-бўлмаган ишлар баҳонаси билан ўзаро бирлик-иттифокларини буздилар. Шунинг натижасида бўлаётган озодлик, инқилобий ишларга ҳам қаттиқ зарба етмиш эди. Булардан халқнинг қутган тотлик ҳаёлий умидлари ҳам узилади.

Шу воқеадан кейин 1931-1932 йиллари яна уч қатта қодиса пайдо бўлди. У қунларда мен Гулжа шаҳрида эдим ва бу ҳақда тўлиқ маълумотим йўқлиги учун ҳар бирини айримча тартиби билан ёзишга имқоният бўлмади. Шунинг учун у воқеаларни илғари-кейин бўлса ҳам ёзиб ўтишга мажбур бўлдим.

Биринчи, юқорида айтилганича, Совет Русиясининг қиёсати эса Шарқий Туркистон --

Уйгуристонни ҳам Ўрта Осиёдаги Ўзбекистон ва бошқа ясама "...истон"ларга ўхшатиб ўзига кўшиб олмокчи эди. Бирок бу ишни юзага чиқариш учун энг аввал узун йиллардан бери давом этиб келаётган хон даврининг колдиги жонгжунг ҳукуматини ўртадан кўтариш лозим эди. Шунга кўра, Кремль маккорлари ҳаммадан илгари бу ишни бажариш чорасига киришдилар. Ўз-ўзидан чириб йикилишга яқинлашган Хитой истибдод ҳукумати эса буларга қаршилиқ кўрсатиш буён турсин, ўз жонларини қутқариш учун Урумчидаги совет консулхона бўсагасига бош кўйиб омон олмиш эди.

У вақтда японларнинг дахшатлик ҳужумлари остида бутун Манжурия ўлкасидан ажраб, бошқа жойлари таҳдид қилинаётган Чанкайши ҳукумати томонидан ёрдам умиди бутунлай узилмиш эди. Шунинг учун консулхона маккорлари ишлари қулайлашиб, жонгжунг ҳукуматини ўзлари орқалиқ қочишга мажбур қилдилар. Шундоқки, 1933 йили катрон киш совуги январь ойида Чўчак йўли билан қочиб, Русия орқалиқ Марказий Хитойга кетди.

Бунинг сўнгида Гучунгурушида галаба қозонган Гўсилинг Хўжаниёз, Момут силинглари юкорида айтилганича иттифокликка келтиролмагач, Урумчида бўлаётган ўзгаришлардан фойдаланмокчи бўлиб, марказни қўлга келтириш учун Урумчига ҳужум бошламиш эди, Совет Русия консулхона маккорлари буни кўргач, ишламақда бўлган макр-хийлалари бузилиб кетишидан кўркиб, каттик хаяжонга тушмиш эдилар. Чунки, бу ердан жонгжунг қочгандан сўнгра совет консули ёрдами орқалиқ янгидан ҳукуматни қўлга олган Шинг дубан Гў силинг ҳужумини қайтаргудек қучга эга эмас эди. Шунга кўра ўз мақсадини қўлга келтириш учун марказдан ёрдам сўрагач, яширинча олдиндан тайёрлаб қўйилган чегарада турган совет ҳарбий қучидан қерагича қирғиздилар. Замонавий қуроолланган аскарый қучга одатдагича қурооллик Гў силинг аскарлари қандай қарши турсин? Шундай бўлса ҳам "Фисабиллаллох" сўзи ёзилган қафан ўрнида қийган либослик, ботир Гў силинг қўмондасида бўлган фидойи мусулмон аскарлари Урумчиустида айникса, Санжий, Қутибий қайрағочлигида қучли қурооллик босқинчиларга қарши қирқ кун давомида кўрсатган қидамлик қахрамонликлари тилларда қостон бўлмишдир.

Имқоният борица қуч-қувватларини қўлландиклари учун Оллох улардан рози бўлгусидур. Сўнгра табиат оламининг қонунига мувофиқ галаба сабаблари етишмаганликдан бу қахрамонлар энг охир чекинишга мажбур бўлдилар.

Шу орада Қура (Гулжа билан Суйдунг ораси)даги беш-ўн минг хитой аскарлари қўмондони Жинг шури(Гарнизон бошлиғи (хитойча).) Урумчида жонгжунг ҳукумати қамал остига олиналганини аңлагач, ёнбошида мўрал аб пойлаб ётган қучл ик душманидан хабари йўқ, қиёсий қўрлигидан ўз қолини қоғламай, жонгжунгга ёрдам қилиш учун беш минг аскар олиб йўлга қикмиш эди.

Дохиёнгза, Жингдан ўтар-ўтмас жонгжунг қочиб, Чўчак орқалиқ чегарадан ўтиб қетганлигини эшитгач, беш-ўн кун қарсон бўлиб, йўлдан қайтмиш эди. Булар қайтиб қелгунча Қўргос чегарасидаги қизил сехрчилар бутун ишларни бажариб, қеракли ўринларни нишонлаб қўймиш эдилар. Урумчи, Гулжа икки ора алоқалари бутунлай узилганликдан Гў силинг аскарлари галаба қозониб, Урумчини олмишдур. Бу қикларда Или ўлкасига ҳам қадами етса қерак, деган қар турлик ёлгон-қик ташқикот қабарлари қўпайганликдан, қиятлари Гў силингга ёрдам етқикши бўлса қерак, дунганлар қар томондан бош қўтарғали турдилар. Совет Русия қулмидан қочиб ўтган қар ерлик дунганлар ҳам уларга қўшилдилар. Қамма қитна-қасод ишларни уюштириб, ўз қиёсатини ўринлатиш учун қар ёқлама қийла-макр тўр-тузукдарини торттириб, қайт қутиб ётган Совет Русия ўз мақсадларини тездан қўлга келтириш учун қерак

асбобларини тайёрламиш эдилар. Шундоки, кўринишидан Тарбогатой ок ўрисларидан ясама беш юз чамалик кизил аскар Урумчидаги жонгжунг ўрнини эгаллаган Шинг дубанни кўллаб-кувватлаш учун Курага келтирилмиш эди. Яна шу каторда кирк иккинчи чегара пости оркалик ўтган яширин сонлик кизил аскарлар эса телефон симларини судрашиб, душман каршисига келаётган харбийлар каби тўлик куролланган холда тайёр турмиш эдилар. Асли кутилган мақсад эса Или ўлкасида биринчи аскарый марказ ўрнини олган Кура калъасини бузиб, жонгжунг таянчи - аскарбоши Жинг шуринни кўлга тушириш эди. Шунинг учун хитойларча энг кучли хисобланган бу калъанинг шимолий дарвозаси остига яширинча портлагич қўйилган эди. Устида арава юргудек калинликда бўлган сапил дарвозасини хар икки тарафдаги тўпхоналари билан хавога кўтариб, парчалаб ташламишдур. Бунинг устига хайбат кўрсатиш учун совет Русияси замбаракларидан отилган ўқлар калъа ичига тушганидан ташкари момакалдирок каби гуркураган аэроплан Кура шахри устидан икки-уч айланмиш эди.

Бунга карши афюнчи хитойлар хон даври колдиклари бўлган у кундаги эски куролларини кўтаришиб, фил олдидаги пашшадек бўлиб, кандай карши тура олсинлар?! Чунки хаёт оламининг конуни бўйича инсон ишлари бутунлай сабабга боғлиқдир. Буни тўлиги билан кўлга келтирмаганлар, майли ким бўлсин, уни эгаллаб кўлга келтурганларга бош эгишга мажбур эдилар. Шунга кўра, Жинг шурин кучли душманига карши туришга ожиз колгач, ночор, нима килишини билмай, номардларча жон куткариш чорасига киришади. 1934 йили январь ойларида ерустини кор копланган кахратон кунлари, тун коронгусида мол-мулк, хазина, бола-чакаларини душман кўлига колдириб, ўз бошини кутказиш учун Кура калъасидан Гулжа томонга караб кочишдир. Эрталаб турганимизда карасак, “Хой, Жинг шурин кечалаб кочиб лов лашкарлари билан Гулжанинг шаркий тоғ томонига ўтиб кетмишдир”, деган сўз хамманинг оғзида эшитилмакда эди.

Душмани олдида бир ховуч чикмаган фидойи аскарларига кўмонда бериб кахрамон Гў сининг Шинг дубан отида бўялган кучлик кизил аскарлар каршисида кирк-эллик кунлаб кахрамонларча чидамлик кўрсатмиш экан, бу номард ифлос хитой эрса бутун Или ўлкаси чегара бўйлаб бош кўмондон атогини олган, узун йиллардан бери халк тузини тотиб, ноз-неъматларини еб-ичиб келган холда уч-тўрт кун бўлсин каршилиқ кўрсатмай, қўйни бўрига топшириб, ўзининг кора бошини куткаришга киришмишдир.

Довон йўллари кор билан копланиб катнов ишлари бутунлай тўсилмиш эди. Киш чилласи совук кечалари узун тун бўйлаб юрганича бир торончи кишлогига етиб кўнмиш эди.

Эрталаб туриб караса, кўркканга кўш кўринур, дегандек, ўзини орка-олдидан бутунлай ўралиб душмани кўлига тушиб колгандек кўрмишдур. Чунки, оркага кайтиш имконияти бўлмагандек тоғ-тошлар кор билан копланганликдан олдига юриш йўллари бутунлай тўсилмиш эди. Бунга кўшимча отига кўмондон бўлиб, бу каби улуг вазифани бажара олгудек ўзининг кобилияти бўлмагач, шунчалик дахшатни кўтаролмай ўзини йўко-тиб, аклидан адашиб колмишдир. Мана шунинг нати-жасида эрталаб кандай бўлса хам тоғ йўли билан юрмокчи бўлиб кетаётганида олдидан бекорчи келаётган бир одам корасини кўргач, “Хой, душман олдимизда ўхшайди” деб, йўк кўркинч билан кечаси ётган уйига кайтиб келмишдир. Келиши билан хаёли бузилиб, кўп ўлтирмай ичкари уйга кириб кетгач, кейинидан хиёл ўтмай “карс” килиб ўк овози англамиш эди. Атрофидаги одамлар юрганларича келишиб карасалар, ўлар жойига ўзи отиб, чала бўғизланган товукдек конга бўялган холда питирлаб ётибдир. Бу ходиса бўлгач, унга эргашиб юрган аскарлари туш-тушига таркалиб кочишга бошламиш эди-лар. Лекин каёқдандирки, жонгжунг аскарларидан си-линглари бошлиқ бирмунча аскарлар келиб, булар билан

биргалашган холда Гулжага караб юриш килдилар. Бу ерга келгач, куrolланган дунгоний аскарлар буларга кўшилиб, Шин дубан тарафдори хитой хунхуз аскарларига карши оломон-тўполон уруш бошлагани турдилар. Дунган ас-карий бошлиги хужулик(Дунган кабилаларидан бирининг номи.) кора ботирлардан Модии деган киши Турди охунбой дарвозаси олдига ок байрогини кадаб, уйларини аскарларига ётоқхона килди. Шунга ўхшаш кўзголончиларнинг аскар бошликлари Гулжа бойларининг рози бўлиши-бўлмасига карамай, кўпларининг ортикча уйларига кирмиш эдилар. У вақт шароитига кўра бу килмишлари улар учун зарурат бўлмиш эди.

Гулжа шахрининг, келгин бўлсин ёки ерлик тургун бўлсин, кўзга кўринарлик бойлари ҳеч ерга сигмай, бошпана бўлгудай жой топишолмай колди. Сўнгра Совет Русия тузокчилари буларни тўрга туширмок касдида халкпарварлик килган бўлиб, кўшничилик ҳурматини саклаб уларни химоя килишни совет ҳукумати ўзига мукаддас вазифа хисоблайди, деган сўзлар билан тузог ичига дон сепмиш экан, “захардин - шифо, тикандин - гул” умиди билан Турди охунбой бошлик атокли бойлардан бир канчалари келажақдаги тақдирларини ўз жаллодлари кўлига топширдилар. Яширинча совет консулхонасига киришиб, улардан ёрдам сўраб: - Шахар эгасиз колди, талон-торож, уруш-талаш бу жойда кўпайгали турди. Халкпарвар совет ҳукуматидан бутун халк умид килади, - дедилар. Ўзлари кутиб турган шундай ёкимли сўзни англагач, конуний равишда бўлсин учун кўпчилик халк номидан талабнома суратида хат ёздириб, кўл кўйдириб олмиш эди. Бечора халк, айникса жалойватан(Ватандан ажраган.) бўлган, мол-мулки, жойчўмидан(Эгар-жабдук, топган-тутганлари маъносида.) ажраб, сиёсий масъулият оркали ноҳақ жазога тортилган бу ёзувчи каби кочоклар учун энг огир кунлар тугилмиш эди. Хар кандай онгсиз бўлишига карамай бутун халк Кўргос сойи у ёғида огиз очиб ётган кизил аждархога ютилишдан кўрккан эдилар. Хиёл ўтмай шу кўркинчилик кун бошимизга келиб, 1934 йили январь ойининг охирларида “Кўшнилариимизни саклаймиз” деган бахона билан чегарада кутиб ётган тўлик куrolланган совет аскарлари кира бошлади. Йўл бўйича каршилиқ кўр-сатганларни ёриб-янчиб, бир оз фурсат ичида Гулжа шахрига кириб, Уч дарвоза атрофида жойландилар.

Бу ёқда эса Гў силинг тарафдори дунганлар ва ҳам Жинг шурин, жонгжунгдан колган чириган эски чериклар иккига бўлиниб, ярми Харамбогда, колган кўпчилик дунганлар Тепадўнга Шинг дубанга карши хитой-хунхуз, ок ўрис аскарлари билан уришмокда эдилар. Куrol томондан хар канча етишмасликлари бўла туриб, дунган фидойиларининг жонбозликлари оркали вақтлик бўлса ҳам галаба кбзониш умиди тугилмиш эди. Хаёт оламида ҳамма ишлар сабабга боглик бўлгани учун кучли куrolлик, тартиб-интизомлик совет аскарлари кириши билан бутун ишлар ўзгара! бошлади. Дастлабда бирлашган дунган-хитой аскарларининг маркази хисобланган Тепадўнг устига тўхтовсиз совет тўпи отилгани турди. Бунга карши хитойдан колган эски куrolлари кайси куч билан чидаб тура олсин? Шунга кўра бутун ўринлардаги дунган аскарлари ва ҳам буларга тарафдорлар енгилиб, кочишга мажбур бўлдилар. Кизил аскар кириши билан хунхузларга ва бошка ўз тарафдорларига етарлик куrolлар таркатилмишдур. Илгари дунганлардан енгилиб, кўринмай кочиб ётган хунхузлар ва ҳам ким бўлишига карамай, хокимият эгаси бўлса, шунинг ювиндисига ўрганиб фойдаланган Дутов, Анненков колдиклари - ок ўрислар куrolланган холда кўчада йўликканларини эмас, уйдан-уйга изгишиб юриб, дунганлардан топганларини кўймай ўлдирдилар. Сўздин сўз чиқар, хозирги тарихимиз 1969 йили бўлиб, бундан кирк саккиз йил илгари дунган кишлоги Коракўнгиз масжидида турганимда дунган оғайниларамиздан Советга карши кўзголан

Кораболта, Оксув вокеаси сабаблик бир канча кишилар кочиб келмиш эдилар. Худо саклаб, уларни зиён-захматсиз, эсон-омон узатиб юборган эдим. Бўлган вокеа бу китобнинг бошида ёзилиб ўтди. Бу икки орадан шу кадар узун йиллар ўтгандан сўнгра биз билан бирга Гулжага ўтган дунган огайниларимиз устида яна шу каби кўркинч кунлар бўлиб ўзмиш эди.

Шундоқки, Гулжада Тўрам махалласида ўлтургон кўра-миз ташкарисида ва ҳам махалла масжидида бўлиб, Сўкулук, Пишпак дунган огайниларимиздан оз деганда йигирма кишини асрамиш эдим. “Худо сакласа - бало йўк”(Худ Сураси, 117-оят мазмунича.) дегандек, йўкса дунган излашган хунхуз ва ок ўрис аскарлари эшик олдимизга неча йўл девайлашиб(Бостириб келмок.), баъзилари девордан ошиб тушмокчи бўлиб турганларида бир турлик бахона бўлиб, уларни Худ сакламиш эди. Менинг карамогимда яширинча буларнинг сакланаётганидан душманларимиз хабар топиб колганлигн бизга маълум бўлгач, кўз олдимизда бирор турлик кўнгилсиз ёмон бир иш бўлиб колмасин учун бунинг чорасига каттик киришдим. “Мўмин-мўминга холис, Худо учун ёрдам беришга ният килса, Оллох унинг ёрдамида бўлгай”(Бухорий, 5/2264,13/6015.), деган Пайгамбаримизнинг сўзларига ишониб, Оллохнинг ўзига таваккал килдим. Кип-кизил ўт ёниб, дунганлар устида ўлим ўйнаб турган шундоқ кўркинчлик чоғда ажал хидини олиб ётган жойларидан ўзимга карашли дунганларни чиқариб, ўз кўрамызга йигдим. Йўгон саллани йўргаган холда Оллох ёди билан “Бисмиллох” деб булар олдида ўт оралаб йўл бошлаганимча юриб ўлтириб, янги курилган ҳукумат идорасига саломат етиб келдим. Бу ишга ҳамма хайронликда колдилар. Айникса, дунган конига ташна бўлиб кутурган хунхуз хитойлар кўзлари билан егудек холда тикилиб турган бўлсалар ҳам ҳеч қайсилари ёмонлик йўлига журъат килолмадилар. Кискаси, бу каби кўркинчлик ўринларда анча мартаба бу ожиз кулини асраб ўргатган улуг кудратли Эгам бу йўли ҳам асрамиш эди.

“Бандам мени қандай ўйласа, унга ўзи ўйлагандай иш килурман”(Бухорий, 14/6424.), деган Оллох сўзнинг ҳақлигини шу куни ўз кўзим билан кўрмиш эдим. Бахтимизга яраша ўша кунларда ўз тўқмоқлигимиз Турди охун вақтлик бўлса ҳам сиссат талабича ҳукумат олдида обрўси анча кўтарилмиш эди. Бўлган воқеани баён қилиб, ўз яқинларидан бир кишини киргизиб эдим, мен олиб борган йигирмача одам боши сайин омон хати ёздириб чиқармиш экан, олиб борган кишиларимнинг кўкракларига қадатиб қўйдим. Шунинг билан барилари бу кўркинчдан кутулиб, мендан рози бўлганларича ўз жойларига таркалиб кетдилар. Бирок атрофда қочиб юрган, уй-унда яшириниб ётган биз таниган-танимаган дунган огайнилардан ноҳақ зулмга учраб, дунган бўлгани учун ўлдирилган кишилар оз эмас эди.

Шунга ўхшаш 1920 йили Оксув ўрислари бошлик ўн саккиз кишлокхалклари большевикларга қарши кўзголон чиқармиш эдилар. Сўкулук, Пишпак дунганлари ҳам шулар ичида бўлганликдан бутун фожиа бошқаларга кўра шуларга бўлмиш эди. Мана шу кунлари Сўкулук дунганларидан Месиз бўлис ва ҳам Пишпак бойларидан Юсуфхожи, Ёркант уйғурларидан Ахтамбой авлоди -мана шу кишилар Гулжага қочиб кетаётганларида ГПУ жаллодларининг қўлига тушиб, бир канча вақт турмада ётган эканлар. Сўнгра буларни ўз хизматларига сўрмокчи бўлиб, минг турлик хийла-найранг, ёлгон-яшиқ ваъдалар билан ўзига боглаб олади. Булар ҳам жон кутқариш учун нима деса, маъкул деб топшириқларини бажаришга сўз берган бўлсалар ҳам, буёкка ўтгач ўзларини унинг шарридан қутилган ҳисоблашиб, совет консулхонасига йўламай қўядилар. Шунинг учун бу қонхўр золимлар ўттиз тўртинчи йили юкоридаги Шин дубан воқеаси орқалик Гулжага ўтганларида ўша йигирманчи йили ўтган ишни эслаб,

буларнинг касдига тушмишдир.

Бечора Месиз бўлиб ўзидан хадиксираб, кўздан йироқроқ туриш учун Гулжадан от юришида уч кунлик нарига - Тўккиз торовга кочган экан. Ортидан уни жаллодлар излаб юриб кўлга туширгач, ўн саккиз ва йигирма ёшлик икки ўгли билан уни найзалаб ўлдириб, халк сув ичиб турган кудукка ташлаб кетмиш эдилар. Бир нафас бўлса ҳам отасига доғ солиш учун унинг кўзи олидида ул икки ўгли найзаланиб, сўнгра ўзи ўлдирилмиш эди. Бундай фожиалик ишларни бажаришга динсиз-худосиз вахшийлардан бошқа инсонлар кўнгли кандай чидаб тура олсин?

Иккинчи мундан ҳам ёмонроқ инсонят кўрилмаган, ёввойи хайвонлар оламида ҳам сийрак учрайдиган вахшийлар килигини Пишпакдан кочиб борган дунган Юсуф хожи устидан ўтказдилар. Шундоқки, уруш кунлари унинг Уч дарвозадаги кўрасига куппа-кундузи ўт кўйдириб, бутун мол-мулки, катта-кичик бола-чакалари билан ўн уч жонлик бир оилани куйдириб юборишди. У кунлари кўча-кўйларда аскарый кишилардан бошқаларга юриш-туриш ясоқ(Ман килинган (туркча).) бўлганликдан буларга ёрдам етказиш мумкин эмас эди. Шу қилган вахшийликларини топширувчилари олдида исботлаш учун ичида инсон авлоди аланга олиб ёнаётган ўтнинг чиркин манзарасини хар ёклама расмга туширмакда эдилар. Лекин Юсуф хожи ўзи ва ҳам ўн-ўн бир ёшлардаги ўгли билан нима бўлиб шу куни уйида йўқ экан. Ажали етмагани учун бу каби кўрилмаган ачинарлик фожадан омон қолмишдур. Бирок бу дахшатлик-вахшатлик хабарни англаб, югурганича етиб келса, бутун оиласи хони-моли билан кип-кизил ўт ичида ёниб ётганини кўради. Сўнгра бу фожиалик бало қаёқдан келиб чиққанини тушунгач, бирданига эси оғиб йиқилади. Шундай бўлиб ажали етмай ўлимдан қолган бўлса ҳам, сўнги умри ичида шу ўтган фожиани эскариб, қолмиш ҳаётини бутунлай гам-қайгу, ҳасрат билан ўтказиб турмоқдадир. Бу оғир мусибатга чидаёлмаганидан Шин дубан даврида 1935 йили ҳаж очилиши билан ўлимдан қолган ўғлини олиб ҳажга кетмишдир.

Учинчиси Ахтамбой авлоди бўлиб, булар бўлса Гулжада совет консулхонасининг рўпарасидаги кўраларида ту-рардилар. Қизил аскар шаҳарга қирган кунлари ГПУ жаллодларидан бир нечалари ярим кеча тун қоронғусида девордан ошиб қириб, катта-кичик бир уй тўлган оилани бирини қўймай отиб-чоғиб, ўлдириб чиққанлар. Нима бўлиб ўн икки яшар бир ўғил яширинган жойида бу вахший раҳмсиз қонхўрлар қўлидан қутулиб қолмиш экандир. Мана бу динсиз, Худога ишонмаган инсон суратлик йиртқич вахшийларнинг зулмларидан қўрсатқич бўлгудек бир озини, балки юздан-мингдан бирини ибрат учун бу ўринда ёзиб қолдирдим...

Шундай бўлиб, қўзғолончилар қаршисида ўн баробар қучлик совет аскарлари қирғач, бошқаларнинг умидлари бутунлай узилиб, жон қутқаришга қиришдилар. Қиш кунлари ҳаво совуқ, жанубий томондан бошқа ҳамма томон душман аскарлари билан ўралмиш эди. Шундай бўлса ҳам тоғ йўллари, доғон ошувлари қор-муз билан қопланганига қарамай, бошқа йўл йўқлиги учун Юлдуз доғони орқалиқ Қучо(р), Қораша(х)ар томонига қочишга мажбур бўлдилар. Лекин у бечораларнинг бу қочишлари эса ўлим қиличи бошига қелган қиши бошқа ҳеч илож тополмаганидан қилич мизига(Тиг (чиг.туркча).) қўлини тўсганидек бир иш эди. Эшитишимизча, бу қетганлар қиш кунлари тоғ-тош, қор-музларнинг орасида совуқда қолишиб, қўплари ҳалок бўлмиш эди.

Алихонтўра Соғунийнинг

"Туркистон кайгуси" китобидан